

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

АЛКОГОЛЬ ВА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ТАРҚАТИЛИШИ ҲАМДА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНИШИНИ ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 27 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 26 августда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар
1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонун фуқароларнинг соғлиғини, аввало, йигирма ёшга тўлмаган шахсларнинг соғлиғини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсиридан, шу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга, шунингдек жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яратишга қаратилгандир.

2-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

алкоголь маҳсулоти — коньяк спирти ёки тозаланган этил спиртидан, вино материаллари ва (ёки) таркибида спирт бўлган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган, ҳажмидаги этил спиртининг улуши бир ярим фоиздан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулоти;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсири профилактикаси — алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ фуқаролар соғлиғига, аввало, ёшлар соғлиғига, уларнинг жисмоний, маънавий ривожланишига, жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларига таҳдидларнинг ҳамда бошқа таҳдидларнинг олдини олишга ва уларни камайтиришга қаратилган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий чора-тадбирлар ҳамда бошқа чора-тадбирлар мажмуи;

алкоголга қарамлик — алкоголь маҳсулотига патологик ружу қўйиш, алкогольдан сурункали заҳарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) ҳамда ижтимоий оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали кучайиб борувчи касаллик (сурункали алкогольизм);

тамаки маҳсулоти — тамакидан ёки унинг ўрнини босувчи нарсадан тайёрланган ҳар қандай маҳсулот;

тамакига қарамлик — тамаки маҳсулотига патологик ружу қўйиш, никотиндан сурункали заҳарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали кучайиб борувчи касаллик (никотинга қарамлик);

тиббий огоҳлантириш — алкоголь маҳсулоти идишининг ёрлиғида ҳамда тамаки маҳсулотининг кутисиди (ўровида) жойлаштирилган, алкоголь ёки тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги ахборот.

(Давоми 2-бетда).

Халқаро симпозиум олдида



ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ ЖАҲОН ЭЪТИРОФИДА

Шу йилнинг 25-26 ноябрь кунлари мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг Миллий модели: “Соғлом она – соғлом бола” мавзuida халқаро симпозиум бўлиб ўтади.

Маълумки, аёлга ва ўсиб келаётган ёш авлодга бўлган эътибор, бу – жамиятнинг эртаси ва келажагига эътибор демек. Шу боис ҳам оналик ва болалик муҳофазасини тубдан яхшилаш Президентимизнинг 1998 йил ноябрь ойидаги Фармони билан қабул қилинган Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурида белгиланган асосий устувор вазифалардан бири деб баҳоланди. Айтиш жоизки, Ўзбекистон қўшилган биринчи халқаро ҳужжатлардан бири ҳам 1992 йил 9 сентябрда Парламентимиз томонидан ратификация қилинган «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция бўлган эди. Кейин эса бу «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши билан мустаҳкамланди. Мамлакатимизда илк орденлардан бири «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши ҳам рамзий маънога эга.

Бу борадаги ишлар самардорлигини оширишда ўтган йиллар ичида қабул қилинган кўплаб шу каби ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, Президентимиз томонидан 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом

авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, айниқса, соҳаривожи йўлида янги имкониятларни очиб беришга сабаб бўлди.

Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимида, хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилиб, бу борада қатор ҳуқуқий ҳужжатлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Айниқса, мамлакатимизда амалга оширилган “Соғлом она – соғлом бола” дастури умуммиллий ҳаракатга айланганлиги эътиборга моликдир. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, шу жумладан, республика ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий-амалий марказлари, перинатал ва скрининг марказлар, туғруқхона мажмуалари, ҳудудий кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, қарийб 3200 дан зиёд кишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу йўналишда олиб борилаётган фаолиятни кенгайтириш мақсадида 2009 йил 1 июлда қабул қилинган қарорига мувофиқ, 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом

бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури ҳаётга изчил татбиқ этилаётир.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу дастур ижросини таъминлаш доирасида туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасалар ва бирламчи соғлиқни сақлаш бўғинининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро стандартларни амалиётга жорий этиш, тиббиёт ходимларини ўқитиш, оилада тиббий маданиятни шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Ўзбекистонда болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга оммавий жалб этишга қаратилган алоҳида эътибор баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда фарзандлар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар болаларнинг қарийб 98 фоизини юқумли касалликларга қарши ҳар йили эмлашни ҳам ўз ичига олган. Шу тўғрисида қатор касалликлар, биринчи навбатда, болаларга юқадиган хасталиклар мамлакатимизда

(Давоми 6-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

АЛКОГОЛЬ ВА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ТАРҚАТИЛИШИ ҲАМДА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНИШИНИ ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

4-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

фуқаролар соғлиғини сақлаш, алкоголь, тамаки маҳсулотларининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда бошқа чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш;

фуқароларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга, аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, уларнинг соғлиғига алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ таҳдидларнинг олдини олиш ҳамда бундай таҳдидларни камайтиришга қаратилган профилактика, маърифий фаолиятни ташкил этиш ва амалга ошириш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилиниши соҳасидаги давлат назоратини таъминлаш, шунингдек бундай маҳсулотларнинг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклашга, уларнинг салбий таъсири профилактикаси, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш;

алкоголь ва тамакига қарам бўлиб қолган шахсларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсири профилактикаси, шунингдек алкоголь ва тамакига қарамлик диагностикаси ҳамда уни даволаш соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантириш;

соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ва истеъмол қилинишини чеклаш ва уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга қаратилган профилактика, маърифий тадбирларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг иштирок этиши учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш.

5-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат кафолатлари

Давлат Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсизлигини баҳолаш қоидалари ҳамда тартиб-таомиллари белгилаишини ва уларга риоя этилишини кафолатлайди.

Давлат таркибида инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарарли бўлган моддаларнинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган йўл қўйилган энг кўп меъёрлардан ортиқ бўлган алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилинишини тартибга солишга, шунингдек бундай маҳсулотларнинг импорт қилинишини тақиқлаб қўяди.

Давлат алкоголь ва тамакига қарам бўлиб қолган шахсларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий оқибатлари тўғрисидаги ахборотдан фойдаланилишини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ таъминлайди.

6-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш бўйича профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, таълим муас-

сасалари ва бошқа муассасалар алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсири профилактикаси, жамоатчилик онгида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишга нисбатан салбий муносабатни шакллантириш бўйича ўз ваколатлари доирасида ижтимоий, ташкилий-ҳуқуқий ҳамда бошқа чора-тадбирлар мажмуини амалга оширади.

2-боб. Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди, шу соҳага доир давлат дастурларини тасдиқлайди ва рўёбга чиқаради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиниши камайтиришга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди ва бундай назоратни ташкил этади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришга доир чора-тадбирларни тартибини белгилайди;

жойларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг фуқаролар, айниқса, йигирма ёшга тўлмаган шахслар орасида истеъмол қилинишини камайтиришга, уларда юксак онги шакллантириш ва жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган маърифий, тарбиявий, тиббий-санитария ишларининг таъсирчанлигини оширишга доир чора-тадбирларни ва бошқа ижтимоий, ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ўз ичига олувчи профилактиканинг самарали тизими яратилиши ва фаолият кўрсатилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини, аввало, соғлом турмуш тарзи тарғиботини назарда тутган ҳолда амалга оширишда иштирок этади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари тўғрисидаги билимларни аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида ёйишга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг хавфсизлигига доир мажбурий талабларга тааллуқли бўлган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ишларни ташкил этишда ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлашда иштирок этади;

фуқаролар соғлиғини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсиридан ҳимоя

қилиш билан боғлиқ профилактика ишларини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш масалалари борасида нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

алкоголь ва тамакига қарамликнинг диагностикаси ҳамда уни даволашга доир норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади, уларга соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

алкоголь идишининг ёрлиғида ва тамаки маҳсулотининг кутисида (ўровида) жойлаштириладиган тиббий огоҳлантиришлар, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотлари реализация қилинадиган жойлардаги огоҳлантирувчи ёзувлар матнларининг мазмунини кўриб чиқади ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлайди;

алкоголь ва тамакига қарам бўлиб қолган шахсларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини таъминлайди, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган сурункали касалланиш ҳамда ўлим ҳолатларининг мониторингини амалга оширади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсири профилактикасига доир тадбирларнинг самарадорлиги мониторингини амалга оширади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик дастурларини амалга оширишда иштирок этади;

алкоголь ва тамакига қарамликнинг профилактикаси ҳамда уни даволаш бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлайди;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсири профилактикаси масалалари бўйича умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, шунингдек олий таълим муассасалари учун ўқув дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

алкоголь ва тамакига қарамликнинг профилактикаси, диагностикаси ҳамда уни даволаш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказилишини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири камайтириш соҳасидаги давлат дастурларининг рўёбга чиқарилишида иштирок этади ҳамда ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва рўёбга чиқарилишини ташкил қилади;

аҳоли ўртасида, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари тўғрисидаги билимларни ёйишга қаратилган профилактика тадбирлари амалга оширилишини таъминлайди;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг тегишли ҳудудда ижро этилишини таъминлайди;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсиридан фуқаролар соғлиғини ҳимоя қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масалалари юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни таъминлайди;

алкоголь ва тамакига қарам бўлиб қолган шахсларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини молиявий, моддий-техникавий, ташкилий жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

АЛКОГОЛЬ ВА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ТАРҚАТИЛИШИ ҲАМДА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНИШИНИ ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-2-бетларда).

10-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги давлат дастурларининг, ҳудудий ва бошқа дастурларнинг ба-жарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари тўғрисидаги билимларни ёйишга қаратилган профилактика тадбирларини амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

3-боб. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, реализация ҳамда реклама қилишга доир фаолиятни тартибга солиш

11-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

12-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ўралишига, тамғаланишига доир талаблар

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ўралишига, тамғаланишига доир талаблар қонун ҳужжатларида назарда тутилган техник регламентларга мувофиқ белгиланади.

Алкоголь маҳсулотининг идишида ёрлиқ асосий юзасининг камида қирқ фоизини эгаллайдиган матнли ёзув ва (ёки) расм тарзидаги тиббий огоҳлантириш бўлиши керак.

Тамаки маҳсулотининг қутисида (ўровида) тамаки маҳсулоти қутиси (ўрови) олд томони асосий юзасининг камида қирқ фоизини ва орқа томони асосий юзасининг камида қирқ фоизини эгаллайдиган матнли ёзув ва (ёки) расм тарзидаги тиббий огоҳлантириш бўлиши керак.

Тамаки маҳсулотининг қутисида (ўровида) инсон соғлиғига етказиладиган зарарни камайтириб кўрсатувчи, тамаки маҳсулотининг хусусияти ҳақида зарарсиз маҳсулот сифатида ёки тамаки маҳсулотининг бошқа намуналарига қараганда зарари камроқ эканлиги тўғрисида ёлғон таассурот уйғотадиган ахборот жойлаштирилишига йўл қўйилмайди.

13-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини реализация қилишга доир чеклашлар

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини: йигирма ёшга тўлмаган шахсларга; таълим, спорт муассасалари ва диний муассасалардан беш юз метрдан кам радиусда жойлашган савдо объектлари томонидан;

улар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга, қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаса;

акциз маркалари билан тамғаланмаган ҳолда (пиводан ташқари) ёки акциз маркалари қалбаки бўлганда;

уларнинг ишлаб чиқарувчисини аниқлаш имконини берадиган тарзда аниқ тамғаланмаган бўлса; доналаб, қутисиз (ўровсиз) — тамаки маҳсулотига нисбатан;

уларни ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчиси томонидан ишлаб чиқарилган бўлса;

уларни етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлмаган ёки етказиб беришни қонун ҳужжатларини бузган ҳолда амалга оширган маҳсулот етказиб берувчидан олинган бўлса, реализация қилиш мумкин эмас.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини реализация қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳолларда ҳам чекланиши мумкин.

14-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини реализация қилишни амалга оширувчи шахсларнинг жавобгарлиги

Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари савдосини амалга оширувчи шахслар мазкур маҳсулотларни йигирма ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилганлик учун жавобгар бўлади.

15-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари реализация қилинадиган жойлардаги огоҳлантирувчи ёзувлар

Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари реализация қилинадиган жойларда уларни йигирма ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилишга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги огоҳлантирувчи ёзув жойлаштирилган бўлиши керак.

16-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилиниши устидан давлат назорати

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилиниши устидан давлат назорати ваколатли органлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

17-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларидаги инсон ҳаёти ҳамда соғлиғи учун зарарли бўлган моддаларнинг йўл қўйиладиган энг кўп меъёри

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларидаги инсон ҳаёти ҳамда соғлиғи учун зарарли бўлган моддаларнинг йўл қўйиладиган энг кўп меъёрини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилайди.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларидаги инсон ҳаёти ҳамда соғлиғи учун зарарли бўлган моддаларнинг йўл қўйиладиган энг кўп меъёрларига риоя этилиши устидан назорат қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

4-боб. Фуқаролар соғлиғини алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг салбий таъсиридан сақлаш бўйича чора-тадбирлар

18-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни реклама ва тарғиб қилишга йўл қўймаслик

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини реклама қилишга йўл қўйилмайди.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни тарғиб этиш, яъни алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилишни рағбатлантирувчи, шахсда уларни истеъмол қилишнинг зарарсизлиги ҳақидаги тасаввурни шакллантирувчи ғоялар, қарашлар ҳамда бадий образларни ошқора ёки яширин шаклда тарқатишга қаратилган хатти-ҳаракатлар тақиқланади.

19-модда. Жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишга йўл қўймаслик

Иш жойларида, кўчалар, стадионлар, хиёбонлар, истироҳат боғларида, жамоат транспортининг барча

турларида ва бошқа жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилишга йўл қўйилмайди. Мазкур қоида алкоголь маҳсулотини қуйиб реализация қилиш рухсат этилган савдо ва умумий овқатланиш объектларига, шунингдек тўйлар, юбилейлар ва бошқа тантаналар ҳамда маросимлар ўтказиладиган жойларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойларда, шу жумладан автомобилларга ёнилги қуйиш шохобчаларида ва бошқа жамоат жойларида, тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган жойлар ва (ёки) хоналар бундан мустасно, шунингдек жамоат транспортининг барча турларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилишга йўл қўйилмайди.

20-модда. Алкоголь ва тамакига қарам бўлиб қолган шахсларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш

Алкоголга қарам бўлиб қолган шахсларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш, шунингдек уларни реабилитация қилиш юзасидан ёрдам кўрсатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Тамакига қарам бўлиб қолган шахсларга уларнинг хоҳишига кўра, соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббий-санитария ёрдами кўрсатилади.

5-боб. Яқунловчи қондалар

21-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклашга доир тадбирларни молиялаштириш

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг аҳоли соғлиғига зарарли таъсирининг профилактикаси, олдини олиш, бундай таъсирини камайтиришга доир тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

22-модда. Низоларни ҳал этиш

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

23-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

24-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

25-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2011 йил 5 октябрь,
№ ЎРҚ-302.

Соғлом онадан — соғлом фарзанд

**ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА:
ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ**

Ўзбекистон Республикасида 1998 йилдан бошлаб болаларда ирсий касалликлар натижасида келиб чиқувчи аклий заифликнинг олдини олиш ҳамда ҳомиланинг туғма ривожланиш нуқсони билан туғилиш хавфини аниқлаш учун ҳомилдор аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш мақсадида “Она ва бола скрининг” Давлат дастури амалга оширилмоқда. Бу борада республика тиббиёт тизимида ҳам самарали ишлар олиб борилиб, ногиронликнинг олдини олишда ижобий натижаларга эришилмоқда. Ҳар биримизда скрининг нима ўзи, деган ҳақли савол туғилади. Албатта, ушбу сўзнинг мазмун ва моҳияти нимадан иборат эканлиги тўғрисида Республика “Она ва бола скрининг” маркази директори Мадина Шарипова сизларга кенг тарзда маълумот бериб ўтади.

Скрининг текшируви нима?

“Скрининг” сўзини инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилсак — “оммавий саралаш” деган маънони англатади. Тиббиётда аҳолининг катта-катта гуруҳларини, яъни янги туғилган чақалоқларда ва ҳомилдор аёлларда яширин кечувчи касалликларни эрта аниқлаш ва уларга ўз вақтида керакли чора-тадбирларни қўллашга имкон беради. Скрининг марказлари замонавий тиббий жиҳозлар ва малакали ходимларга эга бўлиб, асосан уч йўналишда иш олиб боради:

* ирсий ва туғма касаллик билан туғилганлар ва шундай фарзандлари бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳат бериши;

* туғруққача бўлган даврда ҳомилда ривожланиш нуқсонининг олдини олиш тадбирларини ўтказиш;

* янги туғилган чақалоқларни туғма гипотиреоз ва фенилкетонурия касалликларига оммавий скрининг ўтказиш;

* галактоземия ва муковидоз касалликларига гумон қилинганларни селектив скринингдан ўтказиш.

Скрининг текширувларининг турлари

1. Янги туғилган чақалоқларда махсус қон таҳлили (анализ) ўтказилиб, уларда ирсий моддалар алмашинуви касалликлари аниқланади.

2. Ҳомилдор аёллар қони таҳлил қилиниб, ҳомилда чуқур ривожланиш нуқсонлари борлигини аниқлаш мумкин. Скрининг марказида ҳомилдор аёлларда кўшимча текширишлар ўтказиб ногирон фарзанд туғилиши (Даун синдроми, гидроцефалия ёки бошқа туғма ривожланиш нуқсонлари) аниқланганда ушбу аёлларга керакли маслаҳатни ўз вақтида бериш мумкин бўлади.

Скрининг текширишларини ўтказиш мумкинми? Ҳа, албатта.

Ўзбекистонда туғма гипотиреоз ва фенилкетонурияни эрта аниқлаш ва унинг олдини олиш учун янги туғилган чақалоқларда оммавий скрининг ўтказилмоқда. Ушбу касалликларни эрта аниқлаб, вақтида даво муолажалари ўтказилса, болани касалликнинг оғир оқибатларидан асраб қолиш мумкин.

Туғма гипотиреоз келиб чиқилишининг бир қанча сабаблари мавжуд:

1. Асосан онанинг қалқонсимон без касалликларига чали-

ниши. Агар онада қалқонсимон без касаллиги бўлса, ҳомилдорлик вақтида ҳомилда ҳар хил ўзгаришлар кузатилади. Натижада эса бола туғма гипотиреоз билан туғилади.

2. Қариндошлик никоҳида ота-она касаллик генларининг ташувчиси бўлса, бундай ота-оналардан туғма гипотиреознинг оғир шакллари билан касалланган болалар дунёга келади.

Болада туғма гипотиреознинг олдини олиш мумкинми?

Бунинг учун аёл ҳомилдорликдан олдин, ҳомилдорлик вақтида ва бола кўрак сути билан эмизилаётганда суткасига 200 мкг калий йодид (йодид-200) қабул қилиши керак. Бу болада гипотиреоз келиб чиқишининг олдини олади.

Фенилкетонурия — ирсий касаллик бўлиб, наслдан-наслга яширин ҳолда ўтади, яъни соғлом ота-онадан касал фарзанд туғила-

таҳассис кўриги фарзандингиз ҳақиқатдан касал ва даволаш кераклигини аниқ айтиб беради. Вазифангиз — чақирилганда зудлик билан ўз вақтида келиш.

Бола скрининг текширувидан ўтганлигини қандай аниқлаш ёки билиш мумкин?

Туғруқхонада она фарзанди товонидан қачон қон олинганлигини кўриши мумкин. Қон муддати-га етиб туғилган чақалоқлардан ҳаётининг 4-5-кунини, муддатига етмай туғилган чақалоқларда ҳаётининг 7-10-кунини олиниши керак. Агар қон кўрсатилган муддатдан олдин олинган бўлса, қон таҳлили нотўғри чиқишига сабаб бўлади.

Боланинг картасида “Бола туғ-

ши ҳамда унинг соғлигини аниқлашга имкон беради. Туғруққа қадар текширувнинг мақсади ҳомил соғлигини аниқлаш, агарда унда ривожланиш нуқсони бўлса, керакли муолажани ўтказишга тавсия беришдан иборат.

Туғруққа қадар текширувлардан қуйидаги ҳомилдорлар ўтиши зарур:

1. Фарзанди ирсий касаллик ёки туғма ривожланиш нуқсони билан туғилган бўлса.

2. Ҳомилдорлик бола тушиши, ўлик туғилиш билан кечган бўлса.

3. Ота-оналарнинг бирида ирсий касаллик аниқланса.

4. Қариндошлик никоҳида бўлганлар.



ди. Ота-оналар фенилкетонурия касаллиги генини ташувчилари бўлса, ушбу генларни улар ўз фарзандларига берадилар ва фарзанд шу касаллик билан туғилади. Агар ота-она қариндош бўлса фарзандларининг касалликка чалиниш эҳтимоли юқори бўлади. Оилада касал бола борлиги кейинги фарзандни ҳам шу касалликка чалиниш эҳтимолини оширади.

Текширишлар қачон ва қаерда ўтказилади?

Туғруқхонада чақалоқ ҳаётининг 4-5-кунлари товонидан бир неча томчи қон олиб махсус қоғозга шимдирилади. Сўнгра ушбу қоғоз скрининг марказига юборилади. У ерда махсус замонавий жиҳозларда қон таҳлили ўтказилади. Агар фарзандингизда қон таҳлилдаги ўзгаришлар касалликларга гумон туғдирса, сиз ва болангиз поликлиникага ёки скрининг марказига қайта текшириш учун чақирилади. Фақат қоннинг қайта таҳлили, му-

ма гипотиреоз ва фенилкетонурияга текширилди” деган белги бўлиши керак. Агар шундай белги бўлмаса сиз скрининг марказига мурожаат қилиб, аниқ маълумот олишингиз мумкин.

Агар боланинг қон таҳлилда ўзгаришлар бўлса нима қилиш керак?

Туғма гипотиреоз ва фенилкетонурия кам учрайдиган ва туғилган вақтда ўзгаришлар билинмайдиган касаллик, лекин вақт ўтиши билан бу касалликлар натижасида болада чуқур аклий заифлик келиб чиқади. Агар болангиз билан қайта текширишга чақирингиз, вақтни ўтказмасдан тезда таклиф қилинган манзилга етиб боришингиз керак. Қайта қон таҳлили ва мутахассис кўриги ҳақиқатдан ҳам фарзандингиз соғлигида муайян хавф борлигини айтиб бериши мумкин.

Туғруққа қадар (пренатал) текшириш

Туғруққа қадар (пренатал) текшириш бу ҳомиланинг ривожлани-

рини қабул қилиш ҳамда чекиш);

* турмушда ишлатиладиган кимёвий моддалардан фойдаланиш (заҳарли кимёвий бирикмалар, бўёқ ва уни суолтирувчи воситалар, бензин ва нефть маҳсулотлари);

* радиоактив, электромагнит нурланишлар;

* аёллардаги эндокрин касалликлари;

* аёлнинг ҳомилдорлик вақтида нотўғри овқатланиши (оқсил ҳамда витамин ва минералларга бой бўлмаган озиқ моддаларни истеъмол қилиши).

Эр-хотиндаги сурункали юқумли касалликлар. Айрим туғма ривожланиш нуқсонларини даволаб бўлмайди, бироқ махсус тадбирлар ёрдамида туғма нуқсонларни камайитириш мумкин.

Бунинг учун ҳомилдор бўлишдан олдин бир қатор амалларга риоя қилиш талаб этилади!

Туғма нуқсон билан туғилишнинг олдини олиш учун аёл ва эркак уругининг меъёрда етилиши учун зарур шароит яратиш керак.

Бу шароитларни юзага келтиришда терапевт, эндокринолог, гинеколог, уролог ва генетик каби мутахассислар оиланинг энг яқин ёрдамчиларидир.

Мазкур мутахассислар оилада нуқсонли ва ногирон фарзандлар дунёга келишининг хатар даражасини аниқлаб, оилани огоҳлантирадилар ва эр-хотинни соғломлаштириш режаларини ишлаб чиқадилар.

Бундай мутахассисларга дунёга келажак фарзандининг саломатлиги ҳақида ўйлайдиган ҳар бир оила мурожаат этиши мумкин.

Шуни ёддан чиқармаслик кераки ногирон, нуқсонли болалар туғилиш хавфи юқори бўлган оилалар, албатта ҳомилдорликдан олдин кўриқдан ўтиши шарт!

Қуйидаги ҳолатларда аёллар ҳомилдорликдан олдин нуқсон билан туғилишининг олдини олиш мақсадида шифокорлар кўригидан ўтишлари лозим:

* аёлнинг ёши 35 дан катта бўлса;

* касбга оид зрарли омиллар аниқланса;

* аввалги ҳомилдорликда ҳомилда тушиши ёки ўлик туғилиш кузатилган бўлса;

* бепуштлик ҳолатида;

* боласи туғма нуқсон, гипотрофия билан туғилганда;

* эр-хотинда юқумли касалликлар (қизилча, токсоплазмоз, хламидиоз, цитомегаловирус, герпес) аниқланса;

* аёлда қалқонсимон без, қандли диабет ва бошқа эндокрин касалликлари мавжуд бўлса.

Қариндошлар ўртасидаги никоҳ нима учун хавфли?

Қариндошлик никоҳи — бу икки шахснинг аجدодларини умумий, иккаласига ҳам таалуқли бўлишидир.

Нима учун қариндошлар ўртасидаги никоҳда ота-оналар соғлом бўлсада, уларнинг фарзандларида ирсий касаллик билан туғилиш хавфи юқори?

(Давоми 5-бетда).

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА: ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ

(Давоми. Боши 4-бетда).

Бир қатор касалликлар ирсий келиб чиқиш билан боғлиқ. Ушбу касалликларнинг кўпчилиги ирсий ахборотлардаги (генлардаги) ўзгаришлар натижасида келиб чиқади. Қачонки ота-онадаги "касаллик" генлари бир-бири билан учрашса, фарзандларнинг ирсий касаллик билан туғилиши кузатилади. Ҳар бир бола ўз генларининг ярмини онадан, иккинчи ярмини отасидан олади. Маълумки, касаллик генларининг кўпчилиги яширин (рецессив) генлар томонидан юзага чиқарилади. Агар инсонда битта "касаллик" гени мавжуд бўлса, у касал бўлмайди, чунки унда иккинчи "соғлом" ген ҳам мавжуд бўлиб, бундай инсон касаллик генини ташувчиси ҳисобланади ва касаллик генларини ўз фарзандларига беради. Беморларда умуман "соғлом" генлар мавжуд эмас.

Касаллик гени ташувчиларининг 50 фоиз уруғи "касаллик" генини сақлайди. "Касаллик" ёки "соғлом" генларнинг берилиши 3 хил кўринишда бўлади.

1-ҳолат. Ҳомила иккита "соғлом" гендан иборат уруғдан ривожланганда бола соғлом туғилади.

2-ҳолат. Ҳомила ота-онанинг бирининг "соғлом" генини сақловчи иккинчисининг "касаллик" генини сақловчи уруғидан ривожланади, натижада бола соғлом, лекин "касаллик" генининг ташувчиси бўлиб қолади.

3-ҳолат. Ҳомила ота-онанинг "касаллик" генини сақловчи уруғларидан ривожланади ва бола касаллик билан туғилади.

Табиики, қариндошлар орасидаги никоҳда "касаллик" генларининг учраш эҳтимоли юқори бўлади. Қариндошлик қанча яқин бўлса, "касаллик" пайдо бўлиш эҳтимоли шунча юқори бўлади.

Ҳозирги вақтда 3500 га яқин ирсий-генетик нуқсонлар аниқ-

ланган бўлиб, бундай касалликларнинг аксарияти болалик даврида кўзга ташланади.

Ирсий касалликларнинг белгиларини ҳомиладорлик вақтида ёки туғилгандан сўнг аниқлаш мумкин.

Баъзи ирсий касалликлар наслдан-наслга, яъни ота-онадан фарзандларига берилса, айрим касалликлар соғлом ота-онанинг фарзандларида ҳам аниқланади (касаллик яширин ирсийланганда), бошқа касалликлар эса фақат ўғил болаларда учрайди (касаллик аёлларда яширин ҳолда бўлиб, улар касаллик ташувчиси ҳисобланади).

Тиббий-генетик маслаҳат орқали ирсий касалликка гумон қилинганларга аниқ ташхис қўйилиб, касаллик наслдан-наслга қандай берилиши ва уни оилада яна пайдо бўлиш хавфини аниқлаш мумкин. Агар шифокор – генетик оилада ирсий касаллик мавжуд, деган хулосага келган

бўлса, кейинги фарзандларда касалликнинг учраш эҳтимолини ҳисоблаб, керакли маслаҳатни бериши мумкин бўлади. Бу усул билан оилада яна ногирон фарзанд туғилишининг хатар даражаси аниқланади ҳамда оилага керакли бўлган маслаҳат берилади.

Тиббий-генетик маслаҳатдан ўтишга асосий кўрсатмалар:

1. Янги туғилган чақалоқлар ва гўдақларда оммавий скрининг асосида фенилкетонурия ёки тугма гипотиреоз аниқланса врач назоратида бўлиш.

2. Оиладаги бир неча фарзанднинг ирсий касалликлар билан касалланиши (қариндошлар ўртасидаги никоҳларда).

3. Фарзанд туғма ривожланиш нуқсонини билан туғилган бўлса, кейинги фарзандда ушбу ҳолат кузатилмаслигининг олдини олиш мақсадида оила тиббий-генетик маслаҳатга келиши керак.

4. Келиб чиқиши номаълум бўлган ақлий заифликлар.

5. Бирон-бир сабабсиз жисмоний ривожланишдан орқада қолиш.

6. Тез-тез қайталанувчи ва даволашга берилмайдиган бронхит, ўпка касалликлари, ўпка шамоллашдан болаларнинг бевақт кўз юмиши.

7. Оилавий ўхшаш буйрак касалликлари ва эшитиш қобилиятининг сусайиши.

8. Суяк тизимига оид касалликларнинг (кўкрак қафаси деформацияси, умуртқа қийшайиши, тез-тез суяк синиши) юрак қон-томир касалликлари ҳамда кўз ва таянч-ҳаракат тизими нуқсонлари билан қўшилиб келиши.

9. Рахит касаллигининг оғир кечиши ва даволашга берилмаслиги.

10. Оилавий неврологик касалликлар (мушакларнинг ривожланмаслиги, тўғри юра олмаслик, титраш).

Ибодат СОАТОВА ёзиб олди.

Видеоселектор

ТАНҚИДИЙ ЁНДАШУВ: ФАОЛИЯТЛАР САМАРАДОРЛИГИДАГИ МЕЗОН

2011 йилнинг 28 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида навбатдаги видеоселектор бўлиб ўтди.

Видеоселекторни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А. Икромов кириш сўзи билан очиб, тизимда амалга оширилаётган ижобий ишларга алоҳида тўхталиб, тиббиёт ходимларимиз халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилиш билан бир қаторда, бу йилги пахта йиғим-теримида фаол иштирок этганликларини эътироф этиб ўтди.

